

Ўзбекистон Президенти Туркманистон раҳбарини табриклади



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркманистон Президенти этиб сайлангани билан табриклади, деб [хабар килди](#) Ўзбекистон ТИВ матбуот хизмати.

Давлат раҳбари мактубда "яқинда бўлиб ўтган сайлов натижалари Туркманистоннинг фаровонлиги, жадал ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун Сизнинг узоқни кўра биладиган раҳбарлигиниз остида олиб борилаётган чуқур ўйланган ва самарали ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ислоҳотларга туркман халқи томонидан юқори ишонч билдирилганлигининг ва тўлиқ қўллаб-қувватланишининг яна бир ёрқин ифодаси" эканлигини қайд этди.

Бугун вақт ва ҳаёт синовидан ўтган Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ва totuv қўшничилик ришталари халқларимизнинг қўп асрлик яқин муносабатлари асосида мувваффақиятли ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовга мустаҳкам соғлик, саломатлик ва масъулиятли давлат лавозимида янги ютуқлар, биродар туркман халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.